



ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ РИСКЛАРНИ СУҒУРТА ВОСИТАСИДА БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ

Номозова Қумри Исоевна

Ўзбекистон Республикаси банк-молия академияси доценти, и.ф.ф.д.

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 10 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss10/a2	Мақолада тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ рисклар ва уларни суғурта воситасида бошқаришнинг турли усуллари, уларнинг моҳияти ва хусусиятлари, мазкур рискларни суғуртага қабул қилишда уларни ўрганиш ва шу асосда қарор қабул қилиш, тарифларни оптимал белгилаш масалалари тўғрисида фикр юритилган. Мақолада тадбиркорлик фаолияти жараёнида юзага келадиган жавобгарлик рисклари ва уларнинг суғуртаси тўғрисида ва тўғридан-тўғри тадбиркорлик таваккалчиликлари билан боғлиқ рисклар ва уларни суғурталаш масалалари ўрганилган. <i>Суғурта, тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ рисклар, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ рисклар суғуртаси, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жавобгарликни суғурталаш, тадбиркорлик мулкни суғурталаш, киберрисклар суғуртаси, экологик рисклар суғуртаси.</i>
KEYWORDS	

Кириш (Introduction/Введение)

Европалик буюк иқтисодчи Й.Шумпетернинг (1883-1950 йилларда яшаб ижод қилган) таъкидлашича, тадбиркорликнинг иқтисодий жараёни ўртача даромад олиш билан белгиланмайди, балки юқори даромад олиш жараёни билан – такрор ишлаб чиқариш жараёнида янги комбинацияларни ишлатиш орқали тадбиркорлик даромадини ошириш билан белгиланади. Тадбиркорлик тўғрисида унинг шундай ибораси бор: “Тадбиркорликнинг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ҳал қилувчи ролини у бўлмаган жойда жуда ҳис қилиш мумкин” [1]. Й.Шумпетернинг фикридан хулоса қилиш мумкинки, тадбиркор юқори даромад олиш учун ҳаракат қилади, бу эса ўз-ўзидан рисклар сонини ва уларнинг юз бериш эҳтимоллигини оширади. Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ рисклардан суғурталаш полисини сотиб олиш - бу бизнес жараёнининг узилиши, тадбиркорга тегишли объект ёки ускунанинг йўқотилиши ёки шикастланишининг молиявий оқибатларини қоплаш усулидир. Аслида, суғурта бизнес билан боғлиқ рискни камайтирмайди. Бу мазкур бизнес билан боғлиқ рискларнинг юз бериши натижасида юзага келадиган йўқотишларни қоплаш ва ҳимоя қилишни таъминлайди. Суғурталаш мумкин бўлган одатий рискларга қуйидагилар қиради: ёнгин, ўғирлик, ходимлар компенсацияси, суд харажатлари, бахтсиз ҳодисалардан ёки учинчи шахсларнинг мулкий зараридан ҳимоя қилиш, шунингдек ишдаги носозликлар ва бошқалар. “Суғурта соҳасининг ўзига хослиги шундаки, тижорат суғурта компанияси кўп сондаги суғурталанувчиларга ваъдани сотади ва бунинг учун олдиндан ҳақ олади” [2].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи (Literature review, Анализ литературы).

Д. Рикардо, Д. С. Милл ва В. Senior “тадбиркорлик хавфи” ни иқтисодий ҳаракатлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар ёки унинг математик қутилиши сифатида аниқладилар [2,3]. Ҳозирги замон ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кузатиш ва таҳлил қилиш асосида шу нарса маълум бўлдики, мазкур корхоналарнинг барчаси ҳам объектив ва субъектив сабаблар

натижасида юзага келадиган қандайдир кўринишдаги ноҳуш ҳодисаларнинг юз бериш эҳтимоллиги мавжуд бўлган шароитда фаолият кўрсатади. Бундай ҳодисаларнинг юз бериши эса корхонага катта миқдордаги молиявий йўқотишларни келтириб чиқаради, ҳамкорлар олдидаги, давлат олдидаги ва бошқа субъектлар олдидаги мажбуриятларни бажара олмай қолиш ҳолатини юзага келтиради [4].

Мулкий суғурта шартномалари бўйича суғурта қопламалари фақатгина йўқотилган мулкнинг қиймати учун амалга оширилади. Аммо ёнгин чиққанда ёки ишлаб чиқариш воситаси ишдан чиққанда ва бошқа экстремал ҳолатларда фақатгина бундай харажатлар билан чегараланилмайди. Бундай ҳолатларда тўғридан-тўғри зарарлардан ташқари билвосита зарарлар ҳам юзага келади. Тадбиркорлик фаолиятидаги бундай зарарлар хўжалик фаолиятидаги узилишлардан суғурталаш шартномаси орқали қоплаб берилиши мумкин [5]. Россиялик олим С.Филиннинг фикрига кўра (С.Филин – мустақил эксперт, инвестицион ва молиявий таҳлилчилар гильдиясининг аъзоси), инновацион лойиҳаларга йўналтирилаётган инвестицияларда юқори даражада риск мавжуд бўлиб, венчур компанияларнинг бу борадаги муваффақияти бор-йўғи 10-20 фоизни ташкил қилади [6].

Тадқиқот мақсади ва усуллари (Research objective and methods, Цель и методы исследования).

Ушбу тадқиқотнинг мақсади тадбиркорлик рискларини бошқариш усуллари ушбу рискларни суғурталаш зарурлигини асослашдан иборат. Тадбиркорлик фаолияти ноаниқ иқтисодий муҳитда амалга оширилади. Шунинг учун “тадбиркорлик фаолияти” атамаси “риск” тушунчаси билан узвий боғлиқдир. Мазкур тадқиқот ишида эмпирик таҳлил ва мантикий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results, Анализ и результаты).

Тадбиркорлик – ижтимоий-иқтисодий натижага эришиш мақсадида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва айирбошлашни ташкил этиш бўйича мулкдорларнинг ёки улар вакилларининг онгли ва мақсадли иқтисодий фаолиятидир [7].

Ўзбекистон Республикасида 2012 йил 2 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги қонуннинг 3-моддасида тадбиркорлик фаолиятига шундай таъриф берилган: “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларида мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир”[8].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари жаҳон тажрибасига кўра, барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омилли, иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига тез мослаша оладиган, янги техника ва технологияларни доимий равишда талаб қиладиган, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган хўжалик субъектлари сифатида кенг фаолият юритмоқда. БМТ экспертлари маълумотларига қараганда дунё аҳолисининг 50 фоиздан ортиқроғи кичик бизнесда бандир.

Дунё бозорида истеъмол моллари конъюнктураси ҳозирги замон шароитида ўртача ҳар тўққиз ойда ўзгариб туради[9]. Агар шуни ҳисобга олсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг изчил ривожланишида нечоғлик муҳим аҳамиятга эга экани яққол кўринади.

Аммо тадбиркорлик фаолиятида тадбиркор ўз мулки билан таваккал қилган ҳолда, ўзи ишлаб чиққан бизнес режа асосида фаолиятни бошлайди. Ушбу фаолият албатта турли кўринишдаги рисклар билан боғлиқ ҳолда амалга ошади. Мазкур рискларнинг қай даражада кўп ёки камлиги, уларнинг юз бериш эҳтимоллиқ даражаси фаолият йўналишига ва тадбиркорнинг билим ва қўникмаларига боғлиқ. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам фаолият рискдан ҳоли бўла олмайди. Рискларнинг юз бериши эса моддий йўқотишларга олиб келади. Шундай экан, бундай йўқотишларнинг кафолати сифатида сугурта хизматларидан фойдаланишга зарурат мавжуд бўлади.

Тижорат бизнес рискларини сугурталаш асосан қуйидаги йўналишларни қамраб олади: мулкни сугурталаш, йўлдаги мол-мулкни сугурталаш, сақланаётган ва ташилаётган товар хом-ашёлар сугуртаси, жиноят сугуртаси (шу жумладан маълумотлар сизиб чиқишдан ҳимоя қилиш), бизнеснинг узилишидан сугурталаш (ёки бизнеснинг узлуксизлиги), жавобгарлиқни сугурталаш, асбоб-ускуналарнинг ишдан чиқишини сугурталаш.

Тадбиркорда қандайдир бизнес сугуртаси амалга оширилган бўлиши ҳар жиҳатдан тўғри бўлади, масалан, тижорат йўлида хизмат қиладиган автомобил сугуртаси, муайян касб вакиллари учун касбий жавобгарлиқни сугурталаш ёки иш берувчининг жавобгарлигини сугурталаш. Мазкур мулкий зарарлар ва жавобгарлик билан боғлиқ ҳодисалар натижасида юзага келадиган компенсация тўловлари ёки хизмат вазифаларини бажаришдаги хатоликлар ёки эътиборсизликлар натижасида юз берадиган ҳодисалар учун мўлжалланган сугурта турлари бўйича сугуртани амалга ошириш тадбиркор фаолиятининг барқарорлигини таъминлашда муҳим восита бўлиб хизмат қиладиган. Фаолиятнинг тўхтаб қолишидан сугурталаш полиси фойдани йўқотиш ва масалан, ускунанинг шикастланиши билан боғлиқ юқори қўшимча харажатлардан ҳимояланишга ёрдам беради. Ходимларни сугурталаш, кредит сугуртаси, нақд пул сугуртаси, суд харажатлари ва бошқа шу каби бизнесни сугурталанишнинг бошқа турлари мавжуд. Иш берувчилар ҳатто бутун ходимлар гуруҳи учун ҳаёт сугуртаси ёки хусусий тиббий сугурта полисларини сотиб олишлари мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган сугурта турлари таркибида бирмунча мураккаб сугурта турлари ҳам борки, сугурта компанияларида ушбу сугурта турлари бўйича зарарларнинг ортиб кетиш хавфи нисбатан юқори ҳисобланади. Бу эса сугурта компаниясининг сугурта портфелида бу каби сугурта шартномаларининг кўпайиши сугурта компаниясини молиявий жиҳатдан қийин ҳолатга тушириш эҳтимолини оширади. Шу туфайли сугурта компаниялари тобора кўпроқ бизнес хатарлари тадбиркор томонидан қандайдир даражада бошқарилаётганлиги тўғрисида далилларни олишга ҳаракат қилишга ундайди. Яъни, сугурта полисини тақдим этишдан олдин, сугурталовчи сугурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини минималлаштириш учун сугурталанувчида қандайдир воситалар мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни аниқлашга ҳаракат қилиши керак. Ўз ўрнида, сугурталанувчи ҳам мазкур сугурталовчида сугурталаниш масаласида сугурта бўйича маслаҳатчи билан тегишли тартиб-қоидалар бўйича

маслаҳатлашиши ва сугурта шартномасида кўзда тутилиши сугурталанувчи учун муҳим бўлган шартларни аниқлаб олиши икки томон учун ҳам бирдай манфаатли сугурта шартномасининг тузилишига олиб келади.

Тадбиркор ўзининг потенциал йўқотишларини етарли даражада қоплашишини аниқлаш учун, сугурта борасидаги ўз сиёсатини мунтазам равишда кўриб бориши муҳимдир. Сиёсатни кўриб чиқиш учун қуйидагилар бўлиши керак: бизнесга нисбатан потенциал хавфларни аниқлаш учун мунтазам равишда хавфларни баҳолаб бориш, потенциал оқибатларни аниқлаш учун мавжуд рискларнинг бизнесга таъсирини таҳлил қилиш, амалда мавжуд бўлган сугурта полиси ва сугурта қопламаси даражасини ўрганиш, барча хавфларни ва уларнинг оқибатларини кўриб чиқиши зарур. Тўғри сугурта сиёсати бизнеснинг омон қолиши учун жуда муҳим бўлиши мумкин, аммо шуни ёдда тутиш керак, обрўга зарар етказиш каби баъзи харажатлар сугурта қилинмаслиги мумкин.

Фуқаролик жавобгарлиги билан боғлиқ рисклар.

Фуқаролик жавобгарлигини сугурталаш тадбиркорнинг ўз бизнесини амалга ошириш жараёнида бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига ёки уларнинг мулкига зарар етказилишининг олдини олиш учун ҳуқуқий жавобгарлигини қамраб олади. Фуқаролик жавобгарлигининг ўзига хос рискларини ҳисобга олган ҳолда бир неча турдаги сугурта полислари амалиётда қўлланилмоқда. Булар сифатида қуйидаги сугурта турларини келтириш мумкин.

1. Умумий жавобгарлик сугуртаси. Ушбу сугурта турига мисол тариқасида, савдо фаолияти билан шугулланувчи тадбиркорга тегишли савдо майдонида миқозининг бирор тўсиққа урилиши натижасида йиқилиб тушиши ва жароҳат олиши натижасида юзага келадиган тиббий харажатлар, агар миқоз судга берадиган бўлса, суд харажатлари сугурта компанияси томонидан қоплаб берилади.

2. Махсулот сифати бўйича жавобгарлиқни сугурталаш. Ушбу сугурта тури бўйича агар тадбиркор бошқаларга сотиш учун мўлжалланган махсулотлар ишлаб чиқарса, махсулот сифати учун жавобгарлиқни сугурталаш тавсия этилади. Масалан, тадбиркор харидорда кучли аллергия реакцияга сабаб бўлиши мумкин бўлган тери кремни ишлаб чиқарганда, махсулотдан фойдаланувчилар олдидаги жавобгарлиқни сугурталаш юридик тўловлар ва компенсация харажатларини қоплаб бериши кўзда тутади.

3. Хато ва камчиликларга йўл қўйиш натижасида юзага келадиган жавобгарлиқни сугурталаш (Е&О). Е&О сугуртаси корхоналарни ўз хизматларини кўрсатишда йўл қўядиган ва молиявий йўқотиш ёки зарарга олиб келадиган хато ёки камчиликлардан ҳимоя қиладиган. Масалан, бухгалтер миқозининг солиқ декларациясида жиддий хатога йўл қўйган, бу эса давлат солиқ хизмати томонидан жаримага сабаб бўлган деб фарз қилайлик. Агар миқоз судга мурожаат қилса ёки компенсация талаб қилса, Е&О сугуртаси харажатларни қоплаб беради.

4. Касбий жавобгарлиқни сугурталаш. Касбий жавобгарлиқни сугурталаш ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан сугурталашга қараганда кенгрок бўлиб, бепарволик, касбий вазифаларни бажармаслик ва баъзи ҳолларда муаллифлик ҳуқуқининг поймол этилиши ва тўхмат ҳолатларини ўз ичига олади. Масалан, компания янги омборни лойиҳалаш учун меъмори ёллаган дейлик. Бироқ, бино қурилганидан сўнг, полининг юк кўтариш қобилияти етарли эмаслиги маълум бўлди. Бу камчилик бионинг фойдалилигини сезиларли даражада қамайтиради. Агар меъмор белгиланган талаблар ҳақида билган бўлса, лекин уларни ҳисобга олмаган бўлса, миқоз меъморга профессионал фаолиятдаги хатолик туфайли етказган зарарни қоплашни талаб қилиши ва ушбу зарарни қоплашни сўраб меъмор сугурта компаниясига мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолда, бионинг эгаси бундай хатолик натижасида етказилган молиявий йўқотишлар учун сугурта компаниясидан компенсация олиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган рисклар турли-туман ва уларнинг кўпчилиги бири бирини келтириб чиқариши мумкин, булар тадбиркорнинг мулкига турли сабаблар натижасида етиши мумкин бўлган зарарлар, шу ва бошқа сабаблар натижасида ишлаб чиқаришдаги узилишларнинг юзага келиши, маълумотлар билан боғлиқ киберрислар деб аталувчи рисклар, ходимлар билан боғлиқ рисклар, экологик рисклар ва шу қабилардан иборат.

1. Мулкка зарар етказишдан сугурталаш. Ушбу билан боғлиқ рисклар, тижорат кўчмас мулкни сугурталаш бизнеснинг физик активларга, шу жумладан кўчмас мулк, инвентарлар, материаллар, офис мебеллари ва электроника ва бошқа жиҳозларга етказилган зарарни қоплашни кўзда тутди. Тижорат кўчмас мулклари сугуртаси билан қопланадиган умумий ҳолатлар оғирлиги ёнғин тадбиркор инвентаризациясининг муҳим қисмига зарар етказиши ёки дўконга ҳужум қилган бузғунчилар ва вандализм ҳаракатлари натижасида етказилган зарарларни ҳам қоплаб беради.

2. Бизнеснинг узилишидан сугурталаш. Масалан, оғирлиги ёнғин юз бериши натижасида бинонинг жиддий зарар кўриши, товарларнинг тўлиқ ёки қисман ёниб кетиши натижасида компания ўз бизнесини қайта тиклаши учун маълум вақт талаб этилади. Етказилган мулккий зарарларни мулк сугуртаси орқали қоплаш билан бирга, бизнесни узилишдан сугурталаш орқали бизнес тўхтаган даврда олиниши мумкин бўлган фойда қиймати тўлаб берилади. Шунингдек, ижара ва иш ҳақи каби доимий харажатларни тўлаш учун ёрдам берилади. Ушбу молиявий ёрдам доимий равишда ёпилиш ва қайта очиш ўртасидаги фарқ учун тўланиши мумкин.

3. Маълумотлар билан боғлиқ киберрисклар сугуртаси. Киберрисклар кўплаб муҳим маълумотларнинг чиқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин, хусусан: Киберхужумлар кўп ҳолларда бизнеснинг тўхтаб қолишига сабаб бўладиган асосий хавф ҳисобланади. Товламачи-дастурлар: Кибер-товламачи шаклидаги кибертовламачи-дастурлар киберхавфсизликнинг жиддий таҳдиди ҳисобланади. Бундай воситалар орқали амалга оширилган ҳужумлардан кейин маълумотлар эгаси ўз маълумотлар базасидан ва инфраструктура технологиялар тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш учун ҳақларга улар талаб қилган тўловни амалга оширишга мажбур бўлади. Фишинг: Бизнес-товламачилик, бу ҳам ташкилотга жиддий зарар етказиши мумкин. Фишингга кимдир электрон почта ёки телефондан фойдаланган ҳолда, ўзини бирор маҳсулот етказиб берувчи ёки касбдош сифатида таништирган ҳолда маълумот сўраш орқали маълумотлар ўзлаштирилиши мумкин.

Маълумотлар чиқиб кетиши билан боғлиқ харажатлар катта ҳажмда бўлиши мумкин ва бу кўпгина компаниялар учун киберсугуртадан фойдаланишни муҳим заруратга айлантиради. Киберсугуртанинг асосан иккита тури мавжуд бўлиб, булар: киберхужумлардан жавобгарлик сугуртаси ва маълумотларни чиқиб кетишидан сугурталаш. Агар ташкилот махфий маълумотларни сақлаётган ва улар билан ишлаётган бўлса, бунинг учун компьютер тизимларидан фойдаланаётган ҳамда ушбу маълумотларни қўзғатиш вариантда ҳам сақлаётган бўлса (масалан тиббий амалиётда), маълумотлар чиқиб кетишидан сугурталаниш амалга ошириши керак. Аммо кўп ҳолларда сугурта полислари бир вақтнинг ўзида киберхужумлардан жавобгарлик сугуртаси бу зарарни ҳам қоплашни кўзда тутиши мумкин.

4. Ходимлар билан боғлиқ рисклар сугуртаси. Ходимлар билан боғлиқ рисклар турли шаклларда бўлиши мумкин. Қўйида келтирилган қоидалар бундай рискларнинг баъзиларини қоплаш имконини беради, булар: жабрланган ходимлар: агар ходим иш пайтида ускуналар билан ишлашда жароҳат олса, жароҳат учун ва йўқотилган иш ҳақи учун компенсация талаб қилиши мумкин. Бу каби ҳолатлардан ўз бизнесини ҳимоя қилиш учун тадбиркор ходимларга компенсация тўлаш ҳолатидан сугурталаниш амалга ошириш зарур. Норози ходимлар: агар шундай риск мавжуд бўлса, яъни ноқонуний ишдан бўшатирилган собиқ ходим шу масалада ташкилотни судга берган бўлса, агар у ишга қабул қилинган пайтда фуқаролик жавобгарлигидан (EPLI) сугурталанган бўлса, бундай ҳолатда ходимга тўланган компенсация сугурта компанияси томонидан қоплаб берилади.

5. Экологик рисклар сугуртаси. Кўплаб корхоналарга, айниқса ишлаб чиқариш ва қазилма бойликларни қазиб олиш каби соҳаларда уларнинг фаолияти атроф-муҳитга зарар келтириш эҳтимоли юқори эканлигидан келиб чиққан ҳолда, уларга нисбатан каттиқроқ қоидалар амал қилади. Масалан, ишлаб чиқариш корхонасидан ўзига яқин жойлашган дарё ёки анҳорга химиявий суюқликлар ёки чиқиндилар оқиб тушиши мумкин. Бундай қоида бузилиш учун тўлаш талаб этиладиган жарима, агар корхона экологик жавобгарлик сугуртаси бўйича сугурталанган бўлса, компенсация тўлаб берилади.

6. Учинчи шахс рисклари сугуртаси. Учинчи шахс рисклари бизнес ва соҳага қараб фарқ қилади, асосан қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: таъминот занжиридаги узилишлар: тадбиркорнинг бизнеси омон қолиши учун бир-бирига таянадиган ўзаро боғлиқ компаниялар тармоғининг бир қисми бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда таъминот занжиридаги компаниялардан бирининг ишидаги узилишлар бошқаларининг бизнесига таъсир қилиши мумкин. Бундан ташқари, табиий оғирлиги ёки сиёсий беқарорлик ҳолатлари ҳам тадбиркорга товарларни қабул қилишни кечиктириши мумкин. Таъминот занжири сугуртаси бундай вазиятлардан маълум даражада ҳимоя қилади. Тўлов амалга ошмаслиги: учинчи шахслар билан боғлиқ бошқа хавф-хатарларга мижозлар тадбиркор тақдим этган товарлар ва хизматлар учун тўловларни тўламаслик ҳолатлари киради. Агар тадбиркор мижозларга кредит шартларини тақдиф қилса ва улар тадбиркор билан сезиларли мувозанатга эга бўлгандан кейин банкротликка учраса, хавф янада ошади. Бундай молиявий йўқотишлардан ҳимоя қилиш учун савдо кредитларини сугурталаниш амалга ошириш қўл келади.

7. Лидерлик rischi сугуртаси. Лидерлик рисклари қуйидагилар бўлиши мумкин: Нотўғри бошқарув: бизнесдаги лидерлик унинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлигини келтириб чиқариши мумкин. Лидерлик rischi бизнес эгалари ёки юқори даражадаги маблағдор томонлар нотўғри қарорлар қабул қилганда, молиявий маблағларни нотўғри бошқарганда ёки ишониб топширилган вазифаларини бажармаганда пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда, директорлар ва лавозимдаги шахсларни сугурта қилиш, вазиятга қараб, маълум молиявий ҳимояни таъминлаши мумкин. Раҳбарни йўқотиш: бизнесдаги асосий шахс ишдан кетиши ёки меҳнатга қобилиятсиз бўлиб қолиши мумкин. Кўп компаниялар бош директорни узоқни кўра биладиган шахс сифатида тан олган ҳолда, олдинга ҳаракат қилишларига ёрдам беришига ишонадилар ёки сотув бўйича бош менежер даромадига суяниб қоладилар. Бундай ҳолларда, асосий ходимларни сугурталаш бизнесдаги ўтиш даврини енгишга ёрдам берадиган молиявий компенсацияни тақдим этиши мумкин.

Хавфни камайтиришнинг яна бир усули - бу зарарни назорат қилишнинг расмий дастурини қўллашдир. Бу сугурта компаниялари томонидан хатарларни бошқариш ва хавфсизлик ресурсларидан фойдаланиш, шунингдек хавфни камайтириш мақсадида малакали ходимлар ёки махсус фирмаларни жалб қилган ҳолда сугурталанувчиларга маҳорат дарсларини ташкил қилиш орқали даъволар сонини камайтиришга эришишдан иборат.

Хавфни камайтиришнинг яна бир усулини қўйида келтирамыз.

Одатда транспорт воситасини бошқариш жараёнида йўл-транспорт ҳодисаларининг катта қисми ҳаёл бўлиниши, чалғиб қолиш натижасида юз беради. Ушбу ҳолат юзага келишини олдини олишнинг оммавийлашган усули сунъий интеллект базасида GPS ёрдамида видеореєстратор ўрнатишдир. Видеореєстраторнинг вазифаси ҳайдовчининг ҳаёли бўлиниши ёки чалғиб қолиши ҳолатида уни огоҳлантиришдан иборат. Ушбу қурилма ҳайдовчи бирор егулик тановул қилаётганини, ичакётганини, чекаётганини ёки мобил телефондан фойдаланаётганини аниқлаш имкониятига эга. Агар шу каби ҳолатлар содир бўлса, қурилма ҳайдовчини ва автопарк диспетчерини бу тўғрида огоҳлантиради.

Хулоса (Conclusion, Заключение).

Тадбиркорлик соҳаси ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг етакчи кучи ҳисобланади. Ушбу соҳанинг етакчи куч эканлигини юқорида келтирганимиздек, дунё олимлари ҳам эътироф этади ва шу билан бирга, мазкур соҳа ўзига хосликларга эга бўлиб, ушбу ўзига хосликларнинг ижобий жиҳатлари ушбу соҳага мансуб корхона ва ташкилотларнинг ихчам, бозор ўзгаришларига тез мослашувчан ва инновацияларни тез ўзлаштириш хусусияти кабилар бўлса, рискка мойиллик даражасининг юқорилиги ва малакасизлик ҳолатларининг тез учраб туриши ва сифатга эътибор кўп ҳолларда иккинчи даражага тушиб қолиши, улварни бу борада давлат томонидан доимий назорат қилишнинг имконсизлиги натижасида сифатсиз ва инсон соғлиги учун хавфли маҳсулотларнинг муомалага чиқиб кетиш ҳолатларининг учраб туриши кабиларни келтириш мумкин. Бу каби ҳодисалар охир оқибатда тадбиркорга қўйилмаган харажатларни келтириб чиқаради. Бу эса ушбу соҳа учун сугурта хизматларининг зарурлигини келтириб чиқаради. Юқорида келтирилган сугурта турлари ушбу соҳа вакиллари учун ҳар жиҳатдан зарур ва фойдали

сугурта махсулотлари ҳисобланади. Фақат уларга бу каби соҳасига нисбатан ишонч ҳосил қилиш борасида доимий ишлар олиб махсулотлар тўғрисида маълумотлар бериб бориш ва сугурта боришни талаб этади.

References:

1. Дикинс, D.; Фрил, MC (2009) «Предпринимательская деятельность, экономика и значение малых предприятий». Предпринимательство и малые фирмы. McGraw-Hill образования. ISBN 978-0-07-712162-4.
2. Қўлдошев, Қ. (2023). SUG'URTA FAOLIYATINI DAVLAT TOMONIDAN NAZORAT QILISH BILAN BOG'LIQ MUAMMOLAR VA BU BORADAGI CHET EL TAJRIBALARINI QO'LLASH MASALALARI . Страховой рынок Узбекистана, 1(2), 12–15. извлечено от <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/26>
3. Ильенкова Н.Д. Развитие теории предпринимательского риска в трудах выдающихся ученых прошлого // Транспортное дело России. 2016. № 3. С. 47–49.
4. Иванова О.М., Козлова Е.И., Новак М.А. Генезис теории риска // Инновационная экономика перспективы развития и совершенствования. 2018. № 3 (29). С. 46–52.
5. Федорова М.А. «Методические основы повышения эффективности организации страхования от перерывов в производстве» автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Москва 2008 стр.3
6. Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование. Москва. ИНФРА.М 2006 стр.79
7. Филин С., Панкратова Ю. Прогнозирование прибыли венчурных проектов. // РИСК 2001 №2 с.19
8. У.Умурзаков, А.Тошбоев Кичик бизнес ва тадбиркорлик Т.:янги аср авлоди 2012 й.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун. 2012 й. 2 май. Lex.UZ
10. Эгамбердиев Э.Хўжакулов Х. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма.–Т.:Иқтисод, 2003, 96 б.

..